

9(47)
Б-72



**СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ
БИЛИМЛАР ТАРҚАТУЧИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖАМИЯТИ**

И. Д. БОЙКО

Иқтисодий фанлар кандидати

**Украинанинг Россия блан
қайта қўшилишининг
300
йиллиги**

№ 23



Ўзбекистон ИП Марказий Комитети
дузуридаги „Ўзбек Узебекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриети
Тошкент — 1954



ЎЗБЕК ССР ДА ИЛМИЙ БИЛИМЛАР ТАРҚАТУЧИ
ЎЗБЕК ИСТРОТИ

И. Д. БОЙКО

Иқтисодий фанлар кандидати

9(47)

Б-72

Украинанинг Россия блан
қайта қўшилишининг
300
йиллиги

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока»
ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти
Тошкент — 1954

М У Н Д А Р И Ж А

1648—1654 йиллардаги озодлик курашигача украин халқининг шляхтлар Польшаси зулми остида аҳволи	Бет 4
1648—1654 йиллардаги озодлик уруши. Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши ва унинг тарихий аҳамияти	15
Улуғ Совет Иттифоқи составида Совет Украинанининг гуллаб-яшнаши	35

На узбекском языке.

Кандидат исторических наук

И. Д. БОЙКО.

300-летие воссоединения
Украины с Россией.

Объединенное издательство
«Кзыл Узбекистан», «Правда Востока»
и «Узбекистони Сурх»
Ташкент — 1954

Таржимон Р. Абдураҳмонов.

Редактор Л. Муродов.

Техредактор Н. Копиткова.

Р 04113. Теришга берилди 4/V 1954 й. Босишга
руҳсат этилди 10/V 1954 й. Нашриёт № 2011.
Тиражи 41480. Қоғоз формати $84 \times 108 \frac{1}{32} = 0,75$ қоғоз листи.
Босма листи 2,36. Нашриёт ҳисоби листи 2, 58. Босма листда
72552 типографик знак. Заказ № 526. Баҳоси 60 тийин.

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони
Сурх» бирлашган нашриётининг босмаҳонаси.
Тошкент — 1954

1954 йил январьда зўр тарихий воқиага—Украинанинг Россия блан қайта қўшилишига 300 йил тўлди. Бу шонли юбилей Коммунистик партия пролетар интернационалиزم ва бузилмас дўстлик руҳида тарбиялаган украин, рус халқларининг ва Ватанимиздаги барча халқларнинг катта миллий байрамидир.

Қадимги бирбутун рус халқи орасидан чиққан, территорияси, тили, маданиятининг яқинлиги ва тарих тараққиётининг бирлиги жиҳатидан рус халқи блан боғли бўлган украин халқи ҳамisha ўзининг буюк оғаси блан бирлашишга интилиб келди. Бу орзу 1654 йилнинг январиди атоқли давлат арбоби ва лашкарбоши Богдан Хмельницкийнинг раҳбарлиги остида украин халқининг поляк шляхтлар зулмига қарши, миллий озодлик учун, Украинани Россия блан қайта қўшиш учун олиб борган озодлик уруши натижасида рўёбга чиқди.

Украин халқи 1654 йилнинг 8 (18) январиди бўлган Переяслав раласида зўр хоҳиш билдириб, ўз тақдирини қондош қардоши бўлган рус халқи блан абадий боғлади ва шу блан ўзини четэлларга қул бўлиш хавфидан сақлаб қолди.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши украин халқи ҳаётида зўр бурилиш даври бўлди ва бу қўшилиш икки улуғ славян халқининг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожланиши учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди.

Рус ва украин халқларининг дўстлиги уларнинг четэл босқинчиларига қарши, чоризмнинг, помещчиклар ва капиталистларнинг зулмига қарши биргаликда олиб борган курашлари давомида мустаҳкамланди ва янада чиниқди.

Жаҳонда энг революцион синф бўлган Россия ишчилар синфининг ва унинг жанговар авангарди Коммунистик партиянинг тарих майдонида қақиши рус, украин халқларининг ва Россиядаги бошқа халқларнинг янада ривожланиши учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлди.

Инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг ҳалок бўлиши ва социализмнинг тантана қилиши даврини очган Улуғ Октябрь социалистик революцияси Россия халқларини ва шу жумладан украин халқини ҳам ижтимоий ва миллий зулмдан озод қилди ва уларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун исми қўрилмаган имкониятларни яратиб берди.

Рус ва украин халқларининг асрлардан буён давом этиб келган дўстлиги уларнинг граждандар уруши йилларида четэл интервенциясига ва ички контрреволюцияга қарши биргаликда олиб борган курашларида, социалистик қурилиш процессида, Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борган тарихий жангларида ва урушдан кейинги даврда янада ривожланди.

СССР халқларининг дўстлиги совет жамиятининг улуғ ҳаракатлантиручи кучи, унинг қудрати ва энгилмаслигининг негизи бўлиб қолди. Улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами туфайли, ленинча-сталинча миллий сиёсатни муваффақият билан амалга ошириш натижасида украин халқи янгидан бир миллат бўлиб қўшилди ва Украинанинг ҳамма ерларини бир бутун Украина Совет давлатига янгидан бирлаштирди. Бирга қўшилган украин халқи совет халқларининг дўстона оиласида хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида ғоят катта ютуқларга эришти.

Рус ва украин халқлари дўстлигининг 300 йиллик якунлари улуғвор якундир. Совет халқи ягона қардошлик оиласида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлиги остида социалистик жамиятни қуриб бўлиб, коммунизмнинг тўла галабаси сари дадил олға бормоқда.

1648 — 1654 йиллардаги озодлик курашигача украин халқининг шляхтлар Польшаси зулми остида аҳволи

Украинанинг Россия давлати билан қайта қўшилиш каби буюк тарихий ишга ҳар икки қардош халқнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ундан илгариги ҳамма ривожланиши шарт-шароит туғдирган эди.

Украин ва рус халқлари бир томирдан—IX—XII асрларда Киев шаҳри маркази бўлган қудратли қадимги рус давлатида яшаган қадимги рус халқидан келиб чиққан.

Феодал жамиятининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиёт қонунларининг тақозоси билан қадимги рус дав-

лати XII асрда бирқанча князьликларга: Киев князьлиги, Новгород князьлиги, Ростов-Суздаль князьлиги, Полоцк князьлиги, Смоленск князьлиги, Чернигово-Северск князьлиги, Галиция князьлиги ва бошқа князьликларга бўлиниб кетган эди.

Шу асрда қадимги рус ерларига мўғул-татар босқинчилари бостириб кириб, бу ерларни вайрон қилди.

Мўғул-татар қул қилучилар мингларча рус кишиларини қириб ташладилар ва асир қилиб олдилар. Шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилдилар ва уларга ўт қўйдилар. Бу ҳужумнинг оғир оқибатларидан қўшни феодал давлатлар, биринчи галда Литва князьлиги ва Польша корольлиги фойдаланиб қолди. 1350—1360 йиллардаёқ Литва феодаллари Днепр дарёси ва Буг дарёси бўйларида ўз ҳукмронлигини ўрнатиб олди. 1349 йилда поляк феодаллари Галицияни босиб олди. XIV асрда Молдава князьлиги Буковинани бўйсундириб олди, лекин орадан кўп ўтмай, унинг ўзи панлар Польшасининг; ундан кейин эса, Туркия султонлигининг зулмига йўлиқди.

Татарлар зулмининг энг оғир оқибатлари, поляк, литвали, турк босқинчиларининг зулми рус ерининг иқтисодий-сиёсий ва маданий тараққиётига тўсқинлик қилди. Лекин, ана шундай ёмон шароитда ҳам мамлакатда ишлабчиқариш кучлари янада ўсаборди: деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожланди, шаҳар ҳунармандчилигининг қишлоқ хўжалигидан ажралиш процесси давом этди, айрим ерлар—князьликлар ўртасида иқтисодий алоқа кучайди.

Айни вақтда уч қардош халқнинг, великорус, украин, белорус халқларининг шаклланиш процесси ҳам давом этди.

Великорус халқи олдинда борди, рус ерларининг иқтисодий-сиёсий ва маданий маркази бўлган Москва рус халқини бирлаштиришга бошчилик қилди. И. В. Сталин Москванинг 800 йиллиги муносабати билан юборган табрикномасида бундай деб ёзган эди: «Москванинг хизмати ҳаммадан бурун шундан иборатки, у айрим бўлақларга бўлиниб кетган Русьни бир ҳукумати, бир раҳбарлиги бўлган ягона бир давлатга бирлаштиришга асос бўлди».

Москва рус ерларини бирлаштириш байроғини юқори кўтариб, прогрессив кучларнинг феодал тарқоқликни битириш, кучли марказлашган ҳокимият тузиш учун курашига бош бўлди.

Москва раҳбарлиги остида бирлашган рус халқи XV асрнинг охирида мўғул-татар зулмини йўқ қилди. Шундан кейин рус халқи ўзининг марказлашган давлатини мустақамлаб, фанни ва миллий маданиятни ривожлантириб, турк-татар, поляк, швед ва немис босқинчиларининг душманлик ҳужумларини муваффақият билан қайтариб турди. Рус марказлашган давлатини вужудга келтириш поляк, литвали, турк ва бошқа босқинчиларнинг зулмидан жабр-жафо чекиб юрган украин ва белорус халқларининг тарихий тақдири учун ғоят катта аҳамиятга эга эди.

Польша ва Литва феодаллари Украина ерларини босиб олиб, Киев, Волинь, Галиция князьликларини ва бошқа князьликларни тугатдилар, Украинада иқтисодий, миллий ва диний зулм сиёсатини юргиздилар. Халқ оммаси айна вақтда ўз юртларидаги феодаллардан, яъни халққа қарши курашда Литва ва Польшанинг давлат ҳокимият органларига ва қуролли кучларига суянган ўз феодалларининг зулмидан ҳам жабр-жафо чекар эдилар.

Деҳқонлар, шаҳар аҳолиси миллий ва ижтимоий зулмга қарши қаттиқ курашдилар. 1490 йилдаёқ Галиция ва Буковинада феодалларга қарши жуда катта қўзғолол кўтарилди.

Эзилган деҳқонларнинг ва шаҳарлардаги пасғки табақаларнинг дашт-сахроларга—Днепр дарёсининг ўрта қисми бўйларига ва этакларига қочиб кетишлари уларнинг феодалларга қарши олиб борган кураш формаларидан бири эди. Днепр дарёсининг ана шу томонларида жойлашиб олган, балиқ тутиш, овчилик қилиш, асалари боқиш ва шу каби турли касблар билан шуғулланган қочқорлардан XV асрда казаклар пайдо бўлади. Буржуа тарихчилари Запорожье казакларини синфсиз демократик жамият деб, уларнинг моҳиятини бузиб кўрсатган эдилар. Ҳақиқатда эса, казаклар орасида синфий табақаланиш, чуқур ижтимоий зиддиятлар ва синфий кураш бор эди. Казакларнинг асосий оммаси косибчилик ишларини ўз қўлига қаратиб олган, қайиқлар, тўрлар, қурол ва бошқаларни эгаллаб олган бадавлат казаклар — «дуклар», «серебрянниклар» эшигида батракчилик қилиб кун кечиручи гольтбадан (йўқсиллардан) иборат эди. Казакларнинг ана шу бадавлат табақаларидан бир қисми бой-мешчанлардан, иккинчи қисми эса, майда шляхтлардан пайдо бўлган эди. Казаклар пайдо бўлган вақтидан бошлаб Украинани татар-турк босқинчиларидан ҳимоя қи-

лишда ғоят катта роль ўйнади, чунки татар-турк босқинчилари мамлакатни жуда даҳшатли суратда хароб қилиб, Украинанинг иқтисодий ва маданий ҳаётининг нормаль ривожланишига имконият бермай қўйган эди.

XVI асрнинг 60-нчи йилларида Украинанинг сиёсий аҳволида жуда катта ўзгариш юз берди: Жанубий Буг территорияси ва Днепр бўйларидаги ерлар панлар Польшаси томонидан босиб олинди. Литва билан Польшанинг 1569 йилда Люблин унияси бу босиб олишни мустақамлаб ва қонунлаштириб берди, шунинг натижасида Литва ва Польша давлатидан битта федератив давлат—Речь Посполитая тузилди.

Литва ҳисобига, Украина ва Белоруссия ерлари ҳисобига кучайиб кетган Речь Посполитая Европа шарқида рус халқининг мустақиллигига тажовуз қилган катта агрессиив давлатлардан бири бўлиб қолди. XVII асрнинг дастлабки ўттиз йили давомида рус халқига Россияни қул қилишга уринган поляк панларига қарши уч марта уруш қилишга тўғри келди. Рус халқи ўзининг қаҳрамонларча кураши билан поляк феодалларининг ҳужумларини қайтариб, ўз Ватанининг мустақиллигини сақлаб қолди.

Польшанинг Днепр ва Буг дарёлари бўйларини босиб олиши билан украин халқи ҳаётида юз берган сиёсий ўзгаришлар Украинанинг иқтисодий ҳаёти соҳасида юз берган катта ўзгаришлар билан бир вақтга тўғри келди. XVI асрнинг иккинчи ярмида товар-пул муносабатлари янада ривожланиб кетди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ва ўрмон саноати маҳсулотларига ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам талаб анча кучайди.

Феодал-помешчик хўжалиги асосан натурал хўжалик бўлиб қолган ҳолда, бозор талабларига уйғунлаша бошладди. Помешчиклар қул ва қарам деҳқонлардан натура ва пул шаклида олинадиган ўлпонлар билан қаноатланмасдан бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида, деҳқонларни мажбурий ишлатишга асосланган фольваркалар (имение хўжаликлари) ташкил қила бошладилар. Шу муносабат билан феодаллар деҳқонларнинг, казакларнинг ерларини ва шаҳарларга қарашли ерларни тинмай талай бошладилар ва шу билан бирга деҳқонларни ва шаҳар аҳолисини эксплуатация қилиш ҳам кучайиб кетди. Польша ҳукумати 1588 йилги Литва Статутига биноан Украинада крепостнойлик муносабатларини юридик жиҳатдан узил-кесил расмийлаштириб олди.

Польшада крепостнойлик ҳуқуқи қулликнинг энг қўпол формалари блан қўшилиб кетган эди: помещчик ўз қарамотидаги кишини ўлдиришга, мол-мулкни тортиб олишга, унинг оилавий ва диний ҳаётига аралашинишга ҳақли эди.

Речь Посполитая ҳукумати поляк панларининг Украинада ерларни ва косибчилик ишларини босиб олишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. Магнатлар кўпроқ ер қўлга киргизиб олиш учун ўзаро урушлар қилар, бу урушлар натижасида эса, халқ оммаси — деҳқонлар, казаклар ва шаҳар аҳолиси жуда қаттиқ жабр-жафо чекар ва хонавайрон бўлар эди. Ярим аср мобайнида деҳқонлар, мешчанлар, казакларни талаш ҳисобига магнатлардан Вишневецкий, Острожский, Потоцкий, Калиновский, Концепольскийларнинг ва бошқа магнатларнинг жуда катта ер мулклари пайдо бўлди. Масалан, магнат Концепольскийга фақат Жанаубий Буг районидагина 740 қишлоқ, 170 катта ва кичик шаҳар қарар эди. Острожскийнинг қарамотида Украинада 2760 қишлоқ ҳамда 80 катта ва кичик шаҳар бор эди. Князь И. Вишневецкий 1630 йилларда деярлик бутун Полтава ерини эгаллаб олган эди, бу ерда унинг 40 мингга яқин деҳқон ва мешчан хўжаликлари бор эди.

XVI асрнинг охирларида поляк магнатлари ва шляхтлари Украинада мустамлакачилик сиёсатини кучайтирдилар. Улар жуда кўп ўрмонзорларни йўқ қилдилар, ўрмонларга ўт қўйиб қулга айлантирдилар, чунки ўша вақтда қул ички ва ташқи бозорда катта пулга сотилар эди, шу блан улар украин халқини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қулликка солишни кучайтирдилар.

Поляк шляхтлари ва уларнинг хизматида бўлган католик черкови украин маданиятига қарши чинакамига уруш бошлаб, украин мактабларини вайрон қилди, украин тилида сўзлашиш ва ёзишни тақиқлаб қўйди. Шу блан бирга улар поляк-католик мактаблари очиб, уларни реакция катolik черковига бўйсундирдилар, бу черковнинг вазифаси эса, украин ёшларини шляхтлар Польшасига ва Ватиканга итоат қилиш руҳида, ўз халқига, ўз маданиятига ва қардош рус халқи маданиятига нафрат ва ҳазар блан қараш руҳида тарбиялашдан иборат эди.

Шляхтлар деҳқонларни талаш ва қулликка солиш блан бирга шаҳар аҳолисига ҳам ҳужумни кучайтириб юбордилар. Улар шаҳарлардаги мансабларни ва шаҳарларга қарашли ерларни эгаллаб олиб, шаҳар халқига оғир солиқлар солдилар ва уларни қулга айлантирдилар.

Шляхтлар ўз хўжаликларидан чиққан маҳсулотларни ташқи бозорга пошлинасиз чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўрнига четёл товарларини олиб, шу блан шаҳарларнинг ички ва ташқи савдосининг ривожланишини чеклаб қўйдилар. Шаҳар косибчилигидан чиққан маҳсулотлар ички бозорда етарли даражада сотилаолмас эди: таланган ва муҳтожлик азоб-уқубатига дучор қилинган деҳқонлар оммаси асосий кўпчилигининг шаҳар косибчилиги буюмларини сотиб олишга қурби етмас эди.

Бунинг устига поляк шляхтлари Украина шаҳарларида немис ва поляк косибларининг имтиёзли цех ташкилотларини туздилар, бирқанча цехларга православларни олишни тақиқлаб қўйдилар, шу блан улар украинларни католик динига ўтишга мажбур қилдилар.

Шаҳарлардаги украин аҳолисининг савдо-сотиқ иши чеклаб қўйилган эди. Бирқанча шаҳарларда украинлар учун ўтроқлиқ доираси белгилаб қўйилган эди.

Шундай ёмон шароит туғилиши натижасида шаҳар аҳолисининг кўп қисми ишлабчиқаришдан ва савдо-сотиқ ишидан ажралиб, тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлган ва онда-сонда учрайдиган ҳархил ишни бажариб зўрға кун кечирадиган мардикорларга айланиб кетди. Деҳқонларнинг таланган ва хонавайрон қилинган қисми иш ахтариб ва феодал асоратидан қутилиш учун шаҳарларга кўплаб келабшланганлиги сабабли, шаҳар аҳолисининг мардикорлик блан кун кечиручи қисми доимо кўпайиб борди.

XVI асрнинг охирларида украин халқини диний жиҳатдан эзиш яна кўпроқ кучайди. Аҳолига шаҳарларнинг марказий қисмларида диний маросимлар ўтказиш ман қилинган эди, треба диний маросимларини ўтказиш учун шаҳар эгаларига ёки ижарадорларга кўп миқдорда солиқ тўлаш лозим бўлар эди.

1596 йилда Польша ҳукумати украин православ черкови юқори мансабдаги руҳонийларидан бир қисмининг, шунингдек украин шляхтларининг бир қисминини ўз томонига оғдириб олиб, униат деб аталадиган черковни тузди ва уни Ватиканга бўйсундириб қўйди. Униат черковининг вазифаси ва мақсади католик черковининг вазифаси ва мақсади блан бирхилда бўлиб, украин халқини поляк-лаштиришга ва унинг қардош рус халқи блан маданий ва

ма'навий алоқасини узиб қўйишга кўмаклашувдан иборат эди. Польша ҳукумати православиени ересъ деб э'лол қилган эди, православие динига топинучи кишилар та'қиб қилинар эди.

Кенг халқ оммасининг чидаб бўлмайдиган шароити яна шу блан оғирлашдики, Польша шляхтлар давлатининг заифлиги натижасида, Украинанинг жанубий ва шарқи-жанубий чегараларига доимо турклар ва татарлар бостириб кириб, украин халқини хонавайрон қила бошладилар ва уларни оғир жабр-жафоларга йўлиқтирдилар. Речь Посполитая ҳукумати бу чегараларни қўриқлашни та'мин қилмади.

Зўравон магнатлар марказий ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланиб, фақат деҳқонларни ва шаҳар аҳолисини талаш блангина чекланиб қолмас эдилар, улар Украинадаги майда шляхтларнинг, бадавлат казакларнинг, шу жумладан майда казак-шляхтчаларининг ва Украина руҳонийларининг ерларини ҳам тортиб олар эдилар. Шунинг натижасида магнатлар диктатураси ва магнатлар зўравонлиги майда шляхтлар ва руҳонийларнинг норозиликка сабаб бўлди ва уларнинг оппозициячилик ҳаракатини кучайтирди.

Эрксевар украин халқи ўзининг бундай қуллик аҳволига солиб қўйилишига чидаб тура олмас эди. Шунинг учун ҳам халқ оммасининг поляк шляхтлари зулмига қарши кураши тўхтовсиз кучайиб ва кескинлашиб борди. Аҳолининг бир қисми қўлига қурол олиб, зolimлардан ўч олишга отланди. Аҳолининг иккинчи қисми мажбуриятларни адо қилишдан бош тортиб, Днепр дар'ёсининг этакларига қоча бошлади ва унда казаклар сафини яна тўлдирди.

XVI асрнинг охирларида Запорожье казаклари жуда кучли ҳарбий ташкилот тузиб, Запорожье Сечини ўзларига сиёсий марказ қилиб олишди. Казакларнинг татар ва турк босқинчиларига қарши курашида таянч базаси бўлган Запорожье Сечи аста-секин украин халқининг панлар Польшаси ҳукмронлигига қарши олиб борган озодлик курашининг раҳбар сиёсий марказларидан бирига ҳам айлана бошлади.

Польша ҳукумати казаклар орасига нифоқ солиш сиёсатини юргизиб, казакларнинг бадавлат юқори табақаларидан халқ оммасига қарши курашда фойдаланишга ҳаракат қилар эди. Польша ҳукумати ана шу мақсадни

жўзлаб, бирнеча юз казакларни давлат хизматига олди, уларга ер берди, мояна тўлаб турди, ўз ораларидан бошлиқ сайлаш ва ўз қонунлари блан суд қилиш ҳуқуқини берди.

Броқ, деҳқонларни ва казакларни талаган ва қулликка солган поляк ва украин магнатларининг зулми бадавлат казаклар бошига ҳам тушди. Шунинг натижасида, деҳқонлар ва казакларнинг қўзғолонлари авжга чиққан йилларда казакларнинг юқори табақаларидан ҳам бир қисми қўзғолончиларга қўшилди.

Деҳқон ва казакларнинг бутун Киевни ва Волиньни ўз ичига олган дастлабки катта қўзғолони 1951—1953 йилларда реестер казакларининг гетмани, майда шляхтич Криштоф Косинский раҳбарлиги остида бошланган эди. Асли мешчанлардан бўлган Григорий Лобода ва Северин Наливайколарнинг раҳбарлиги остида 1594 — 1596 йилларда бошланган қўзғолой янада кенгроқ тус олди. Белоруссияга ҳам ёйилиб кетган бу қўзғолонни Польша ҳукумати аскарлари украин ва белорус магнатларининг қуролли отрядлари блан бирликда ваҳшийларча бостирди.

XVII асрнинг биринчи ярмида Украинада поляк панларининг крепостниклик ва мустамлакачилик зулми янада кучайиб кетди. Масалан, Галицияда ва Волиньда ҳафтада 5 — 6 кун баршчина ишлаш, Днепр бўйларида эса ҳафтада 3 — 4 кун баршчина ишлаш одат бўлиб қолган эди. Деҳқонлар баршчина ишлаб беришдан ташқари, пул ва натура блан солиқ тўлашга, поляк солдатларини боқишга, қоровуллик қилиш ва от-улов бериш каби оғир мажбуриятларни ўташга мажбур эдилар.

Шундай қилиб, Украина узоқ вақт давомида четэл асоратида бўлиб, турк-татар хонлари кўчманчи галаларининг агрессив ҳужумларидан ва поляк шляхтларининг зулмидан кўп азоб-уқубатлар чекди, таланди ва даҳшатли хонавайронликка дучор қилинди.

Халқ оммаси — деҳқонлар, казаклар ва шаҳар аҳолиси бу зулмга қарши курашни яна кучайтирди. 1617—1618 йилларда деҳқонлар, казаклар ва мешчанларнинг озодлик кураши кучайиб қўзғолонга айланди ва бутун Киевга ҳамда Волиньнинг бир қисмига ёйилди. Польша ҳукумати Украинага қўшин юбориб, қўзғолонни бостирди.

1625 йилда бутун Киевда яна қўзғолон бошланди. Польша ҳукумати қўзғолонни бостириш учун қўшин

юборди. Бирлашган казак отрядлари Крюков ёнида (Кременчук шаҳри яқинида) поляк аскарлари билан жанг қилди. Поляк қўшинининг қўмондани мағлубиятга учрашдан қўрқиб, казакларнинг юқори табақасига ёнберишга мажбур бўлди, яъни казакларнинг реестриши (давлат хизматида бўлган казаклар сонини) 6 минг кишига етказишга рози бўлди. Крюков шартномаси деб ном олган бу шартнома давлатманд казакларнинг Польша ҳукуматига мурасачилик билан қараш тенденциясини кучайтирди. Шу билан бирга бу шартнома казаклар оммасининг қаттиқ норозилигини қўзғатди ва казаклар ўртасидаги зиддиятларнинг яна кескинлашувига сабаб бўлди. Шу вақтдан бошлаб реестрга кирмаган казаклар ўз ораларидан алоҳида бошлиқлар сайлаб реестр казакларига қарши доимо кураш олиб бордилар.

1630 йилда қўзғолон янгидан бошланди. Запорожье казаги Т. Федорович (Трясило) раҳбарлик қилган қўзғолончилар Корсунь ва Переяслав ёнида поляк қўшинларини катта мағлубиятга учратдилар. Лекин стихияли суратда бош кўтарган деҳқонлар Речь Посполитаянинг уюшган ҳарбий кучларини енгаолмади. Қўзғолон ваҳшийларча бостирилди.

1637 йилда қўзғолон янада кучайиб кетди, бутун Сўл қирғоқдаги Украинага, Запорожьегга ва қисман Киевга ёйилиб кетди. Бу қўзғолонга запорожьели казак Павел Бут (Павлюк) бошчилик қилди. 1637—1638 йилларнинг қиш бошларида қўзғолон бостирилди, Павлюк қўлга олиниб, Варшавада халойиқ олдида ўлдирилди. Сейм 1638 йилда ординация (фармон) чиқариб, казакларни ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Реестрга кирган казакларнинг командирлари Польша ҳукумати томонидан тайинланадиган бўлди.

1638 йилнинг кўкламида қўзғолон янгидан бошланиб кетди. Қўзғолонга запорожьели казаклардан Острянин, Гуня ва бошқалар бошчилик қилдилар. Қўзғолончилар поляк қўшинларини бирнеча марта мағлубиятга учратдилар. Брок, бу қўзғолон ҳам панлар Польшасининг аскарлари томонидан ваҳшийларча бостирилди.

Деҳқон-казакларнинг қўзғолонлари мағлубиятга учраган бўлса ҳам, улар катта прогрессив аҳамиятга эга эди. Бу қўзғолонлар феодал-крепостниклик системасининг илдизига болта урди, поляк шляхтларининг агрессив давлатини заифлаштирди, украин халқининг ўз мил-

лий қадри-қимматини англашининг кучайишига ёрдам берди. Қўзғолонлар давомида халқ оммаси қурол ишлатишни ўрганиб олди, жангларда тажриба ортдирди, ҳарбий жиҳатдан уюшиш малакасини ўстирди. Кураш давомида казакларнинг ҳарбий маҳорати кучайди.

Украин халқининг ўз озодлиги учун олиб борган адолатли уруши халқда қаҳрамонлик, халқ ишига содиқлик, босқинчиларга ачиқ нафрат туйғусини кучайтирди.

Деҳқон-казакларнинг қўзғолонлари Украина халқ оммаси орасида ҳамда ҳукмрон синфнинг прогрессив қисми орасида қардош рус халқи билан бирлашиш ҳаракатини кучайтириш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Украина халқи ўз озодлиги учун олиб бораётган курашида қардош рус халқигина унга бирдан-бир ишончли таъинч бўлаолишига ва бу ишда унга кучли ёрдам беришига маҳкам ишонди. Украин халқининг озодлик кураши давомида Украинани Россия билан қайта қўшиш каби улуг тарихий вазифани амалга ошириш учун тарихий шарт-шароит туғилабошлади.

Украин халқининг Россия билан қайта қўшилиш учун бошлаган ҳаракати турли-туман формаларда ва шаклларда ифодаланди. XVI асрнинг бошларидаёқ М. Глинский бошчилигидаги украин ва белорус князвлари Литва ҳукмронлигига қарши курашга ҳозирлик кўрар эканлар, Москва князининг фуқаролигига ўтиш режасини тузган эдилар. 1593 йилда, казак-деҳқонлар қўзғолони вақтида, гетман Косинский рус подшоси Федор Ивановичга мурожаат қилиб, Запорожье казакларини рус фуқаролигига қабул этишни илтимос қилган эди. Россия ҳукумати бу илтимосга розилик билдириб, казакларга ёрлиқ юборди. Косинскийнинг поляклар томонидан ўлдирилиши бу тўғрида олиб борилаётган музокараларни вақтинча тўхтатиб қўйди. Гетман Наливайко ва Федоровичлар ҳам рус фуқаролигига ўтиш режасини тузган эдилар.

Халқ қўзғолонлари бостирилгандан кейин юзларча казаклар, деҳқонлар ва мешчанлар Россияга қочиб кетдилар, уларнинг кўпчилиги Слобода Украинасида жойлашиб олди.

Узоқ вақтгача Польша ҳукуматига мурасачилик назари билан қараб келган казаклар гетмани Пётр Сагайдачний 1620 йилда украин казакларининг хоҳишига амал қилиб, рус ҳукуматига мурожаат қилиб, казакларнинг Россияга хизмат қилишга тайёр эканликларини билдирди.

Украинадан Россияга қочиб ўтиш ҳаракати ҳам Украинани Россия билан бир давлат қилиб қайта қўшиш каби буюк тарихий ишга тайёрланиш йўлида катта аҳамият қозонди. Украинадан Россияга кўчиш ҳаракати деҳқон-казаклар қўзғолони йилларида ва бу қўзғолонлар бостирилгандан кейин айниқса авж олди. 1637 йилда 3 мингга яқин казаклар хотин-бола-чақалари билан гетман Я. Остянин бошчилиги остида Россияга қочдилар. Дон атамани Москвага бориб, Донда 10 мингга яқин запорожьелилар борлигини ва Украинадан тинмасдан кўп кишилар қочиб келаётганлигини ўз кўзи билан кўрганини айтган. Польша ҳукумати шу вақтда рус ҳукуматидан 20 минг қочоқни қайтариб юборишни талаб қилди. Бу рақам Украинадан Россияга — Слобода Украинасига ва Донга кўчиб бориш ҳаракатини тўла акс этдирмас эди.

XVII асрнинг биринчи ярмида Украинанинг айниқса Днепр бўйининг Россия билан иқтисодий алоқаларининг кучайиши Украинани Россия билан қайта қўшишга тайёрланиш ишида гоят катта аҳамиятга эга бўлди.

Рус ҳукумати Россия билан Украина ўртасида савдосотиқ ишларини ривожлантиришга ҳартомонлама ёрдам берди. Рус ҳукуматининг буйруғи билан украин савдогарлари учун Москвада ҳамда Украина билан чегарадош бўлган катта шаҳарларнинг ҳаммасида савдохоналар қурилди. Украина савдогарлари Россияга ун, ёрма, балиқ, хмель, мум, селитра, қоғоз, кулолчилик буюмлари келтирар эдилар. улар ярмаркаларга ва бозорларга отлар келтириб сотар эдилар. Москвада, Курскда, Тулада, Калугада, Белгородда ва ҳатто Новгородда Украина савдогарларини учратиш мумкин эди. Рус савдогарлари ҳам Киев, Переяслав, Луцк, Каменец-Подольск, Львов ва бошқа шаҳарларга мўйна, юхта, полотно, ёғоч буюмлар, эгар-жабдуқ ва бошқа моллар элтиб сотар эдилар.

XVI асрнинг иккинчи ярмида ва XVII асрнинг биринчи ярмида Украина билан Россия ўртасидаги маданий алоқалар янада ривожланди. Барча шарқий славянларнинг бирлиги тўғрисидаги идеялар, Россияда тузилган бирқанча ҳужжатларда ва айниқса «Степенная книга»да тарғиб қилиниб келинган идеялар Украинада ҳам қизғин мақулланди. Украинада китоб босучиликни биринчи бўлиб йўлга қўйган киши асли москвали бўлган Иван Федоров эди.

1637 — 1638 йиллардаги деҳқон-казаклар қўзғолонлари бостирилгандан кейин панлар Польшаси украин халқи-

ни иқтисодий, сиёсий, миллий ва диний жиҳатдан эзишни янада кўпроқ кучайтирди.

Шляхта тарихчилари қўзғолондан кейинги ўн йилни «роҳат—фароғат» йиллари деб атаган эдилар. Ҳақиқатда эса, бу йиллар шляхтлар томонидан энг ваҳшиёна террор қилиш йиллари бўлган эди. Магнатлар ва шляхтлар қўзғолон қатнашчиларини инсон шаънига тўғри келмайдиган ваҳшийлик билан жазоладилар, ҳукумат қўшинлари айрим қишлоқларда кўтарилган қўзғолон ва ғалаёнларни ваҳшийларча бостирди.

Магнатлар ва шляхтлар казакларнинг ерларини ва хўторларини тўхтовсиз таладилар, казакларнинг оилаларига крепостнойлик мажбуриятларини зўрлаб бажартирдилар.

Шаҳар аҳолисига солинган оғир солиқлар яна кўпайди, шаҳар аҳолисининг давлатга, хусусий мулкдорларга, черковга ишлаб бериш мажбуриятлари йилдан-йил тобора кучайди. Украинада жойлаштирилган поляк қўшинлари аҳолини таладилар ва хўрладилар.

Шу йилларда Речь Посполитаядаги шляхтларнинг анархияси даҳшатли тусга кирди, магнатлар ва шляхтларнинг бир-бирига қуролли ҳужумлари оддий ҳодиса бўлиб қолди. Уларнинг бир-бирига ҳужумлари билан бирга қишлоқлар ҳам талафди ва хонавайрон қилинди, деҳқонлар ўлдирилди ва қийноққа солинди.

Шундай қилиб, ҳуқуқсиз халқ оммаси фақат ваҳшиёна эксплуатациядангина жабр-жафо чекмасдан, балки Речь Посполитаяда ҳукм сурган шляхтларнинг даҳшатли зулмидан ҳам жабр-жафо кўрди.

1648 — 1654 йиллардаги озодлик уруши.

Украинанинг Россия билан қайта қўшилиши ва унинг тарихий аҳамияти

Украин халқи зулмга чидаб тураолмади ва шунинг учун 1648 йилнинг баҳорида янгидан озодлик курашига отланди. Қўзғолонга казаклар юзбошиси, истеъдодли лашкарбоши Богдан Хмельницкий бош бўлди.

1620 йилда ҳали ёш казак бўлган Богдан Хмельницкий отаси, украин майда шляхти Михаил Хмельницкий билан бирга Польша-Туркия урушида иштирок қилди. Михаил Хмельницкий Цецора жангида ҳалок бўлди, Богдан эса турклар томонидан асир қилиб олинди. Богдан Хмельницкий орадан икки йил ўтгач, асирликдан қутилиб келиб

партия социализмнинг асосий иқтисодий қонунига суяниб, социалистик хўжаликни муттасил юксалтириш асосида, совет халқининг моддий ва маданий эҳтиёжларини ва талабларини максимал даражада қондириш ишида доимо янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX с'езди совет халқининг элиб борган кураши ва эришган ғалабаларининг улуғвор якунларини жам'лади ва мамлакатимизни янада олға бостириш программасини чизиб берди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрьда бўлган пленуми қишлоқ хўжалигини кучли равишда юксалтириш программасини тузиб чиқди. Бу программани амалга ошириш яқин 2 — 3 йил ичида мамлакатимиздаги бутун аҳолини озиқ-овқат моллари билан таъминлашни кескин равишда оширади ва шу билан бирга колхозчи деҳқонлар оmmasининг моддий фаровонлигини янада юқори даражага кўтаради. Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати саноат-моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, уй-жой қурилиши ва шу қабилар соҳасида ҳам жуда катта тадбирларни амалга оширишни белгилаб берди.

Партия ва ҳукуматнинг тадбирларини совет халқи бир жон-бир тан бўлиб маъқуллади. Ишчилар, колхозчилар ва совет интеллигенцияси бу тадбирларни маъқуллаш билан бирга, меҳнат унумини ошириш учун ва ишлабчиқариш планларини муддатидан илгари бажариш учун курашни янада кучайтириб юбордилар.

Урушдан кейинги йилларда Украина маданияти янада тез сур'атлар билан ривожланмоқда. Украинада ҳозир 30 мингга яқин мактаб бўлиб, уларда 6,5 миллиондан кўпроқ бола ўқимоқда, еттиийиллик таълимдан ялписига ўрта таълимга ўтиш чоралари кўрилмоқда. 1952/53 ўқув йилида Украинада 144 юқори ўқув юрти бўлиб, уларда 177,1 минг студент ўқиди, булар ишчилар, колхозчилар ва совет интеллигенциясининг ўғил-қизлари бўлиб, уларнинг сони 1914 йилдаги студентлар сонидан қарийб 8 марта ошиқдир. Бундан ташқари, ўша ўқув йилида Украинада 591 техникум ва махсус ўрта ўқув юртлари бўлиб, уларда 233,7 минг ўқучи ўқиди.

Украина ССР Фанлар академияси ва Архитектура академияси илмий ишларни анча қизитиб юборди.

Ҳозирги вақтда Украинада 75 театр, 26 филармония,

28 минг Маданият уйи ва клуб ишлаб турипти, 1176 газета чиқади, Украинада китоб маҳсулоти 1952 йилда 63 миллион нусхага етди.

Украина ёзучилари ва сан'аткорлари урушдан кейин Сталин мукофотига лойиқ топилган бирқанча бадний асарлар яратдилар.

Украина социалистик маданияти СССРдаги барча социалистик миллатларнинг ва биринчи навбатда энг илғор бўлган ҳамда украин халқига жуда яқин турган қардош рус халқи маданияти билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланмоқда.

Украин халқи эришган ғалабалари учун совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи улуғ Коммунистик партиядан ҳамда барча совет халқларининг ва биринчи галда улуғ рус халқининг беғараз қардошларча ёрдамидан миннатдордир.

Украин халқи 1945 йил 30 июньда ёзган хатида ўзининг улуғ оғаси рус халқига чин қалбидан ташаккур ва миннатдорлик изҳор қилиб бундай деган эди: «Озод украин халқи ўз вакиллари — Украина Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети депутатлари орқали сенга, оғамизга, улуғ рус халқига ўзининг меҳр-муҳаббат, садоқат ва самимий миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қилади.

...Рус халқи, украин халқининг қайта қўшилиш, эркинлик ва миллий мустақиллик тўғрисида асрлардан буён қилиб келган орзуларини амалга оширишга ёрдам берганинг учун украин халқи сендан миннатдордир». Украин халқининг вакиллари юқоридаги хатда «тарихий Переяслав радасида Богдан Хмельницкий украин халқи хоҳишини бажо келтириб, улуғ рус халқи билан дўст ва иттифоқ бўлишни абадий равишда мустаҳкам ўрнатди...»¹ деган эди.

1954 йилда фақат рус ва украин халқлари эмас, балки Совет Иттифоқидаги барча халқлар Украинанинг Россия билан қайта қўшилишининг 300 йиллигини тантанали суратда нишонлайдилар.

Украин халқи улуғ рус халқи билан биргаликда олиб борган қаҳрамонона курашининг 300 йиллик тарихига, оламшумул тарихий ғалабалар билан — ижтимоий ва миллий озодликка эришиш билан, ўз давлатини вужудга кел-

¹ «Правда», 1945 йил 4 июль.